

**ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ТУШУНЧАСИ, УНДАН  
КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР**

*Джалилов Нигматулла Каримович*  
*Тошкент вилояти юридик техникуми*  
*ўқитувчиси*

**Аннотация:** ушбу мақолада муаллиф томонидан қонун ижодкорлиги тушунчаси ва моҳияти, қонун ижодкорлиги жараёнига олимларнинг қарашлари, шунингдек, қонунларни қабул қилиш босқичлари ва уларни ишлаб чиқиш жараёнлари атрафлича муҳокама қилинган

**Калит сўзлар:** қонун ижодкорлиги, қонунчилик ташаббуси, қонун лойиҳаси

Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун қонунлар халқнинг манфаатини ақс эттириши ҳамда адолатлилиқни таъминлаши лозим. Бу эса ўз-ўзидан қонунларнинг сифати бўлишини талаб қилади. Шу сабабдан ҳам қонун қабул қилинишида бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқли ўлароқ, бир нечта босқичлардан ўтади. Булардан кўзланган мақсад қонунни энг яхши ҳолатда жамиятга татбиқ этиш ҳисобланади.

Давлат органлари билан бир қаторда фуқаролар ҳам қонун қабул қилиниши жараёнида ўзини муносабатини билдира олиши лозим. Буюк юнон файласуфи Афлотун шундай деган эди: “Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Ақс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”. Ҳақиқатдан ҳам, халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалиқ уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади.

Қонун ижодкорлиги моҳиятан кўпгина юридик адабиётларда норма ижодкорлигининг муайян йўналиши сифатида эътироф этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, қонун ижодкорлиги билан норма ижодкорлиги тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим, чунки, ҳуқуқ ижодкорлиги ҳуқуқни ўзида ақс эттирган ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш жараёнини ақслатса, қонун ижодкорлиги эса айнан қонунлар қабул қилиш билан боғлиқ жараённи ифодалайди.

Қонун ижодкорлиги фаолияти ўзининг масъулиятлилиги ва мураккаблиги билан ҳуқуқ ижодкорлигининг бошқа турларидан фарқ қилади. Қонун кучга киргач у муайян ижтимоий муносабатлар тартибга солишда қатъий кучга айланади. Бу жараён мунтазам ва мувофиқлаштирилган кетма-кетликда рўй берувчи босқичларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўладиган муайян ҳуқуқий

механизмдир.

Қонун чиқариш функциясини амалга ошириш парламент, парламент палаталарининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳокимиятни тақсимлаш принципи шуни назарда тутадик, жамият барча ижтимоий табақаларининг манфаатларини, бутун миллат манфаатларини тўлиқ ифода этувчи қонунчилик ҳокимияти органи бошқа давлат органлари томонидан чиқариладиган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан каттароқ юридик кучга эга бўлган норматив- ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишлари лозим. Айнан парламент томонидан қабул қилинувчи қонунлар бошқа барча давлат органлари учун зарурий ҳуқуқий негизни вужудга келтиради, мазкур органларнинг ўзаро ҳамда фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари билан муносабатларини белгилаб беради.

Конституциямизнинг 84-моддасига мувофиқ, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади. Олий Мажлис палаталари қарорлари қонун қабул қилиниши босқичидаги каби босқичлардан ўтмайди, шу билан биргаликда барча учун мажбурий бўлмаган, ички ташкилий масалаларга бағишланган қарорлар ҳам чиқариши мумкин.

Профессор Х.Т.Одилқориев фикрича, қонун ижодкорлиги жараёни давлат олий вакиллик органининг конституцияда белгиланган тартибда янги қонунларни яратишга, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартириш киритишга қаратилган, шунингдек эскирган қонунларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, у қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қабул қилишни ўз ичига олади[3]. Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда қонун ижодкорлиги жараёни тўғри ташкил этилиши демократик ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш учун асос деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

- Қонунчилик ташаббуси;
- Қонун лойиҳаларини кўриб чиқишга қабул қилиш ва лойиҳани муҳокама қилиш;
- Қонунларни қабул қилиш ва мақуллаш;
- Қонунларни имзолаш ва элон қилиш.

Қонунчилик жараёнининг илк босқичи ҳисобланган қонунчилик ташаббуси - бу муайян органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунлар чиқариш масаласини қўйиш ва уларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш учун қонун чиқарувчи органга тақдим этиш ҳуқуқидир. Қонун чиқариш ташаббуси –

қонун чиқариш жараёнининг илк босқичи. Бу жараён қизғин саъй-ҳаракатларга асосланади, улар натижасида қонун чиқарувчи органга қонунчилик юзасидан тегишли таклифлар киритилади, парламент эса ўша таклифлар асосида янги қонун чиқариш, амалдагисини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишга қабул қилади[4].

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокама этиш қонун яратиш жараёнининг алоҳида ва муҳим босқичидир. Бу босқич қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси тақдим этилгач ва у сессия кун тартибига киргандан сўнг бошланади. Шаклланган тажрибага кўра қонун лойиҳаси 2 хил кўринишда муҳокама қилинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ “Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади”.

Умумхалқ муҳокамасини амалга оширишнинг процессуал, ташкилий жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги Қонунида ўз ифодасини топган.

Иккинчи холда, қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатасига киритилади ва унда муҳокама этилади.

2021-йил 20-апрелда қабул қилинган ЎРҚ 682-сонли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасига учинчи қисмига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи томонидан тайёрлаш ҳамда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш муддати, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, икки ойдан кам этиб белгиланиши мумкин эмас.

Мамлакатимизда ҳуқуқий жараёнлар ва ўзгаришларга жамоатчиликнинг назорати муносабати йилдан йилга ижобий томонга ўсиб бормоқда. Буни

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқувчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Ишлаб чиқувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини порталга уни норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилувчи органга киритишдан олдин жойлаштирилади.

Ишлаб чиқувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг порталдаги жамоатчилик муҳокамаси муддатини тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди ҳамда бу муддат порталда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси жойлаштирилган кундан этиборан 15 кундан кам бўлмаслиги керак.

Юқоридаги қоидаларни қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга жорий этилганини амалиёт мисолида кўриш мумкин. Буни 2021-йил 20-апрелда қабул қилинган ЎРҚ 682-сонли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ги қонун мисолида кўриб чиқамиз. Малумки, қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилади. Ушбу қонун лойиҳаси Адлия вазирлиги томонидан 2019-йил 28-декабрда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали [regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz) га муҳокамага чиқарилиб, шу йилнинг 15-мартида муҳокама яқунланган.

Қонун лойиҳаси порталга жойланган пайтда у бўйича жамоатчилик муҳокамаси иштирокчиларидан тушган фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни ҳисобга олишни лойиҳани ишлаб чиқувчи қабул қилинган фикр-мулоҳазалар ва таклифларга мувофиқ лойиҳани маромига етказиш йўли билан амалга оширилади. Келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар рад этилган тақдирда, лойиҳани ишлаб чиқувчи уларни рад этиш сабабини асослаши шарт.

Тайёрланган қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертиза яқунлари бўйича хулосаси ва тушунтириш хати билан киритилади. Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритиш мобайнида қуйидагиларни тақдим этган:

– қонун лойиҳасига унинг концепцияси баён қилинган тушунтириш хати, ушбу концепцияда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий ғояси, мақсади ва предмети; тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг мазкур соҳада амалда бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили илова қилинган ҳолдаги умумий тавсифи ва ҳолатига берилган баҳо; қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти асослари; қонун лойиҳасининг асосий қоидалари; бўлғуси қонуннинг ижтимоий-

иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари прогнози белгилаб берилган бўлиши керак;

– ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси;

– ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши лозим бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати;

– халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари, Ўзбекистон Республикаси шароитида тегишли халқаро тажриба қўлланилишининг мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифлар кетма-кет тартибда кўрсатилган таҳлилий қиёсий жадвал;

– моддий харажатларни талаб қиладиган қонун лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асослар;

– давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси[5].

Қонун лойиҳаси матнининг ҳамда юқорида назарда тutilган материалларнинг нусхалари электрон шаклда тақдим этилиши керак. Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилингунига қадар қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти лойиҳа матнини ўзгартириш ёки ўзи киритган қонун лойиҳасини чақириб олиш ҳуқуқига эга. Қонунчилик палатасига илгари палата томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган тегишли қонун лойиҳасига доир масалага дахлдор бўлган қонун лойиҳаси келиб тушган ҳолларда, Қонунчилик палатаси янги киритилган қонун лойиҳасини қайтариш тўғрисидаги ёхуд уни илгари биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳаси билан бирлаштириш ҳақидаги масалани масъул қўмитанинг хулосаси асосида ҳал этишга ҳақли.

Мамлакатимизда қонунлар белгиланган тартиб-таомиллар бўйича асосан уч ўқишда кўриб чиқилиб қабул қилинади. Қонун лойиҳасининг асосий муҳокамаси Қонунчилик палатасининг мажлисларида амалга оширилади. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, уч ўқишда кўриб чиқади. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги масала

муҳокама қилинади.

Иккинчи ўқишда қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш моддама-модда ўтказилади. Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни иккинчи ўқишда қабул қилиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Учинчи ўқишда қонун лойиҳаси муҳокама қилинмасдан яхлитлигича овозга қўйилади. Қонун лойиҳаси биринчи ёки иккинчи ўқишда қабул қилинган тақдирда, масъул қўмитанинг таклифига биноан, қонунни кейинги ўқиш тартиб-таомилларини истисно этган ҳолда қабул қилиш тўғрисидаги масала овозга қўйилиши мумкин. Қонунни Қонунчилик палатаси палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилади. Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун ўн кун ичида Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади. Сенатга қонун билан бирга қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш чоғида тақдим этилган ҳужжатлар юборилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади. Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт

кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Юқоридагиларни умумлаштириб ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, демократия ривожланишини кўрсатувчи белгилардан бири қонунларга риоя этиш ҳисобланади. Жамиятда қонунийликни таминлаш учун қонунлар ҳар томонлама пухта ва камчиликларсиз бўлиши лозим. Қонунни қабул қилиш бир нечта босқичлардан ўтади. Бундан кўзланган мақсад эса қонунни мукамал ҳолатда қабул қилиш ҳисобланади. Амалдаги қонунларимизни таҳлили шуни кўрсатадики, айрим қонунлар ниҳоят даражада умумий кўринишда бўлиб, қўша-қўша ижроия ва идоравий ҳуқуқий ҳужжатларни тиркамай туриб уларни ҳаётга жорий этиб бўлмайди. Бошқа бир қонунлар эса меёридан зиёд майдалаштирилган бўлиб, аслида ҳукумат қарори ёки вазирлик йўриқномасига ўхшаб кетади. Қонунлар норматив аҳамият касб этиши лозим, шундагина жамиятда тартиб-интизом ва барқарорлик таминланади. Қонун жамиятда адолатни таминлаши учун демократик асосда пухта яратилиши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари. - Т., Ўзбекистон. 2020. 108-б.
2. Нажимов М.К. Норма ижодкорлиги. - Тошкент, 2018. – 23 б.
3. Х.Т.Одилқориев. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2018. 224-б.
4. М.К.Нажимов. Норма ижодкорлиги. - Т., 2018. 24-б.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006-й., 41-сон, 406-модда.